


“Тасдиқлайман”

Шахрисабз тумани ободонлаштириш бошқармаси  
бошлиғи  Ж. Турдиев



**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Шахрисабз тумани Хисор МФЙ Камар, Шурхасан, Дўстлик, Вардон кишлоқлари йулини асфалт қилиш ишлари. Лойиха смета ва экспертиза хулосаларини тайёрлаш хизматлари

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисида эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Шахрисабз туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буюн матн да буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Шахрисабз тумани Хисор МФЙ Камар, Шурхасан, Дўстлик, Вардон кишлоқлари йулини асфалт қилиш ишлари бўйича. Лойиха смета ва экспертиза хулосаларини тайёрлаш.
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш,хизматни тугаллаш) шarti:	34 951 456 (ўттиз тўрт миллион тўққиз юз эллик бир минг турт юз эллик олти сўм ) сўм.Лойиха смета ва экспертиза ҳужжатларини тайёрлаш муддати шартнома имзолангандан сўнг 5 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган “Очиг бюджет” жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Шахрисабз тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Кулдошев Эркин тел: 522 40 38 Шахрисабз тумани Аспи Жаллоб кучаси 76 уй
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.
Танловда иштирок этиш шarti:	Танловда иштирок этадиган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборот (Устав ва гувоҳнома таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари); Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишни таъминлайдиган малака ҳужжатлари, танлаш таклифини қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган зақалат ёки банк қафолатининг мавжудлиги -Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик ш тажрибасига оид ҳужжатлар,-Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш,-Танлов иштирокчисини салоҳиятини белгиловчи ҳужжатлар, -Танлов иштирокчисини иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар.(Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот порталида жойлаштирадilar)
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади; таклифларни таъминлаш учун иштирокчиларнинг ҳужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча ҳужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт.Ҳужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча ҳужжатлар аниқ кўриниб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт.Ёлғон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади.Барча иштирокчилар танловда катнашишда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт.Ҳужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.

Шахрисабз туман ободонлаштириш

бошқармаси ЙКСМ техназори:

Шахрисабз ободонлаштириш

бошқармаси бош ҳисобчиси:

Э. Кулдошев

Ф. Санаров



**“ТАСДИКЛАЙМАН”**

Шахрисабз туман ҳокимлиги ободонлаштириш  
бошқармаси

бошлиғи  Ж. Турдиев

“ \_\_\_\_\_ 2022 йил



Шахрисабз тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йилги жамоатчилик фикри асосида шаклланган, "Очик бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлари Лойиха смета ва экспертиза хулосаларини тайёрлаш хизмати бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномаларида

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлар	8	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР рақамлари. Статистик маълумотлар. Бошқа мавжуд ҳужжатлар
2	Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлар мавжудлиги	15	Танлашда иштирок этиши учун малака ҳужжатлари (Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза, танлаш предмети бўйича таклиф, молиявий ҳисоботлар, иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатарида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, қафолат хати, харид комиссия раиси номига ёзилган коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза)
3	Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган зақалат ёки банк қафолатининг мавжудлиги	22	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатишини асословчи танлов предмети бўйича тегишли банк муассасасидан қафолат хат тақдим этилиши лозим. Шунингдек талабгор ташкилотнинг банк ҳисоб рақамида танлов предметининг камида 20% миқдорда маблағлар қолдиғи бўлиши. Агар ушбу талаб бўйича маълумотлар тўлиқ ва сифатли бўлмаган тақдирда, комиссия таркиби томонидан иштирокчи таклифи рад этилиши, ёки қисман баҳоланиш мумкин.
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш	28	Охириги 3 йил давомида бажарилган ишлари бўйича Шунингдек аввалги шартномалар бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар ёки хулосалар. Жорий танлаш объектини жойда ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (махалла ва кишлоқ мутасадди вакилларида олинган маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар)
5	Танлов иштирокчисининг салоҳияти	20	Тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги. Ҳисоб рақамидаги қолдиғи. Солиқ, банк кредитлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар
6	Танлов иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сопи бўйича кўрсаткичлар	7	Ходимлар сон ва тажрибаси тўғрисида маълумотлар
<b>ЖАМИ:</b>		100	



Изох: Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунинг 62-моддасига асосан, ўз шахсий кабенитлари орқали 2 иш кунда электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлар мумкин.

Агар икки иш кун ичида танлаш иштрочилар томонидан ўтказиш натижалари бўйича эътрозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Шунингдек муҳокама белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмаслигитўғрисида огохлантирамыз.

Танлаш харид комиссия раиси:

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Танлаш харид комиссия масъул котиби:



Ж. Турдиев

Э. Кулдашев

Ф. Сапаров

К. Арзиев

С. Нуриддинов

И. Одилова